# Луқмони Ҳакимнинг вафотлари




10:00 / 24.12.2022 3424

Абу Исҳоқ Саълабий раҳимаҳуллоҳ айтадилар:

«Мен баъзи китобларда Луқмони Ҳаким ҳақларида ушбу ҳикояни ўқидим: «У киши ўғилларига:

يَا بُنَيَّ إِنَّهَا إِن تَكُ مِثْقَالَ حَبَّةٍ مِّنْ خَرْدَلٍ فَتَكُن فِي صَخْرَةٍ أَوْ فِي السَّمَاوَاتِ أَوْ فِي الْأَرْضِ يَأْتِ بِهَا اللَّهُ إِنَّ اللَّهَ لَطِيفٌ خَبِيرٌ

«Эй ўғилчам, албатта, у (амал) агар ачитқи уруғи вазнича бўлса-ю, у бир қоя тош ичида, ёки осмонларда, ёхуд ерда бўлса ҳам, Аллоҳ уни келтирур. Албатта, Аллоҳ ўта латофатлидир, ўта хабардордир» (Луқмон сураси, 16-оят) дея насиҳат қилиб, юраклари безовта бўлиб, вафот этдилар. Мана шу ўғилларига айтган энг сўнгги ҳикматлари эди».

Бу ҳикоя ҳақида шундай хулоса қилдим. Албатта, Луқмони Ҳаким гарчи Қуръони Карим замонига етмаган, Аллоҳнинг Каломини эшитмаган ва ўқимаган бўлсалар ҳам, у киши айтган ва вафотларига сабаб бўлган

мазкур ҳикматни Аллоҳ таоло Қуръони Каримда ҳикоя тарзида нозил қилган. Валлоҳу аълам».

***«Қотлал Қуръан» китобидан Нозимжон Ҳошимжон таржимаси***